

СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

ҚарМИИ Иқтисодиёт кафедраси доценти - Шохўжаева З.С.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши сувдан фойдаланиш билан бевосита боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Республика бўйича экин майдонларини суғориш учун йилига ўртача 55 млрд. м³ сув талаб этилади ва ушбу миқдордаги сув Марказий Осиё давлатларида истеъмол қилинадиган жами сув ресурсларининг деярли ярмига teng. Айни вақтда республика қишлоқ хўжалигидаги фойдаланилаётган сувнинг 80 фоизидан ортиғи қўшни давлатлар худудларидан оқиб келиши сув режими барқарорлигини республикамиз худудида ташкил этиш имкониятини чегаралайди. Шу боисдан, қишлоқ хўжалигидаги сувдан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аҳамияти жуда юқори.

**Дунё сув хўжалигига сўнгги 10-12 йилда
нима юз берди?**

- Сувга бўлган умумий талаб 550 млрд. кубометрга ошди;**
Сув тақчиллигининг таъсири (1000 м³/киши дан кам бўлган) 0,5 млрд. кишидан 1,4 млрд. кишига ошди;
Очликдан азият чекувчилар 850 миллиондан 1020 миллион кишига ортди;
2 миллиард одам канализация билан таъминланмаган;
Сув билан боғлиқ табиий оғатлар келтирадиган зарар 2,6 мартаға кўпайган!!!

Амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши шароитида қишлоқ хўжалиги корхоналарида сувдан фойдаланишда бозор тамойил-ларини жорий қилиш ва ирригация-мелиорация хизмати кўрсатишни замонавий даражага кўтариш, яъни ушбу муносабатларни бозор талабларига жавоб берадиган муносабатларга айлантириш зарурияти ортиб бормокда.

Аммо, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер ва дехқон хўжаликларининг экинларни суғориш учун ажратилаётган сувни етказиб бериш харажатларини тўла қоплаш имконияти объектив ва субъектив сабабларга кўра чекланган. Аксарият қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий аҳволининг заифлиги ва, умуман, қишлоқ хўжалиги тармоғининг хусусиятлари доимий равишда молиявий кўмак беришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли Фармонига кўра суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ташкил этилди 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури қабул қилинди. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси маблағлари доирасида 2008-2012 йилларда коллектор-дренаж тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклаш ишларига жами 750 млрд. сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобига коллектор-дренаж тармоқлари, мелиоратив насос станциялари, вертикал дренаж кудукларини таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилиш ва қуриш ишлари бажарилди. Бажарилган ишлар натижасида республика бўйича 1 млн. 500 минг гектардан ортиқ суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жумладан, кучли ва ўртача шўрланган

майдонлар 113 минг гектарга камайтирилди, 118 минг гектар майдонда ер ости сизот сувларини мақбул сатхларга туширилишига эришилди. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, мелиоратив тадбирлар амалга оширилган ҳудудларда ўртача ҳосилдорлик пахтадан 3-4, ғалладан 4-5 центнергача кўпайиши кузатилди.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш

- ЎзР Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932 фармони:
 - Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Жамғармаси ташкил этилди
 - Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Даствури қабул қилинди
 - “Узмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси, ва 49 та ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари ташкил этилди
 - 1200,1 минг га майдондаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди
 - Кучли ва ўртача шўрланган ерларнинг майдони 81,0 минг га га камайишига эришилди
 - 812,9 минг га майдондаги сугориладиган ерларда ер ости сувлари сатхи руҳсат этилган чукурликда бўлиши таъминланди

Чунки ҳозирда кўпгина гидротехник қурилмалари жисмонан ҳамда маънавий эскириб, мавжуд сугориладиган ерларнинг катта қисмида мелиоратив тадбирлар асосида сизот сувлар сатхини пасайтириш талаб қилинади. Шунингдек, ирригация тармоқларини таъмирлаш, модернизация қилиш учун кўп микдордаги капитал қўйилмалар зарур.

Ушбу масалаларнинг асосий ечими-бу сув хўжалиги тизимига инвестиция жалб этишни рағбатлантирувчи чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобланади.

Бу тадбирлар, биринчидан - инвестиция жалб этишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмини, иккинчидан - инвестиция жалб қилишни рағбатлантириш масалаларини, учинчидан эса инвестицияларни қоплаш имкони-ятларини ва самарадорлигини баҳолаш тадбирларини, агарда қайтмайдиган инвестициялар бўлса, бу ҳолда уларни жалб қилиш манбаларини аниқлашни ўз ичига олиши керак.

Одатда сув хўжалиги тизимига киритилган инвестициялар – сув хўжалиги асосий фондларини янгилаш, реконструкция қилиш ва унга хизмат қилувчи

Кейинги йилларда Республика қишлоқ хўжалигига сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унумдорлиги ошириш асосида ундан фойдаланиш иқтисодий самарадор-лигини юксалтириш масаласи муҳим устувор йўналиш деб тан олиниб, унга сармоя йўналтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

иншоотлар ва сув узатиш қурилмалари жисмонан ҳамда маънавий эскириб, мавжуд сугориладиган ерларнинг катта қисмида мелиоратив тадбирлар асосида сизот сувлар сатхини пасайтириш талаб қилинади. Шунингдек, ирригация тармоқларини таъмирлаш, модернизация қилиш учун кўп микдордаги капитал қўйилмалар зарур.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш

- ЎзР Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958 сонли қарори. Вазирлар Махкамасининг 39-сонли қарори.
- “2013-2017 йиллар давомида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш дастури” қабул қилинishi
- Сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш. 25 минг га ерда томчилатиб сугориш тизими, 45,6 минг га ерда плёнка тўшаб сугориш ҳамда 34 минг га ерда кўчма эгилувчан кувурлар ёрдамида сугориш усувлари жорий этилиши белгиланган
- Вазирлар Махкамасининг 2013 йил 21 июндаги 176-сонли “Томчилатиб сугориш тизимини ва сувни тежайдиган бошка сугориш технологияларни жорий этиш ва молиялаштиришини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори. Сувни тежайдиган сугориш усувларни жорий этган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш

инфратузилма соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган молиявий маблағлардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни ўз ичига қамраб олади. Бунда сув хўжалиги тизимиға киритилган инвестициялар қуидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- янги сув хўжалиги объектларини қуриш ва мавжудларини таъмирлаш;
- сув хўжалиги объектларини сув тежовчи замонавий асбоб- ускуналар билан жиҳозлаш;
- сув хўжалигига сувдан фойдаланиш жараёнини электрлаштириш;
- сув хўжалиги объектларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, соҳани малакали мутахассислар билан таъминлаш каби йўналишлар.

Бизга маълумки, ҳукуматимиз томонидан сув хўжалиги иншоотларини ишлатиш ва замонавийлаштиришга давлат бюджетидан жуда катта маблағ ажратилмоқда. Республикада ҳар йили 5,0 минг км магистрал каналлар, сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 16,0 минг км суғориш ва нов тармоқлари, 10 мингга яқин гидротехник иншоотлар ва гидропостлар тозаланади ва таъмирланади. Сўнгги йилларда 1,5 минг км канал, 400 та йирик гидротехник иншоот, 200 та насос станцияси, 386,0 минг га суғориладиган ерлар реконструкция қилинди ҳамда каналлар ва гидротехник иншоотларнинг техник ҳолати яхшиланди.

Ҳозирда сув хўжалиги ва унинг қуи тизимиға жалб этилаётган инвестицияларни шаклланиш манбалари қуидагилардан иборатdir:

- бевосита давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига;
- хорижий молиявий ташкилотлардан давлат воситачилигига ва кафолати асосида олинаётган кредит маблағлари ҳисобига;
- бевосита хорижий мамлакатлар томонидан ўзаро иқтисодий ёрдам тарзида берилаётган маблағлар ва техника воситалари ҳисобига;
- хорижий компаниялар ва ташкилотларнинг шартнома асосида йўналтираётган маблағлари ҳисобига;
- қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўз худудида жойлашган ирригация тармоқларини реконструкция қилиш учун ажраталаётган маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар.

Давлат бюджети ҳисобидан ажратилаётган маблағлар, асосан, йиллик смета асосида бевосита сув хўжалиги тизими маъмурий-бошқарув органини сақлаб туриш, йирик сув иншоотларини эксплуатация ва реконструкция қилишга ва хўжаликларро ирригация тармоқлари тизимини таъмирлашга, йирик сув етказиб берувчи машина-магистрал каналларни эксплуатация қилиш ҳамда таъмирлашга, юқори қувватли насос станцияларини сақлаб туриш ва уларнинг энергетик ресурсларига талабини қондириш мақсадларига йўналтирилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, сув хўжалиги соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда ижобий ишлар қилинганлигини кўриш мумкин. Масалан, кейинги 10 йилларда ирригация ва дренаж тизимларини қайта тиклаш, сув хўжалиги объектлари ва насос станцияларини қайта жиҳозлаш ва сув ресрусларини бошқаришни автоматлаштириш учун 1,0

млрд.доллардан ортиқ маблағ ажратилди. Бу маблағларнинг 20 дан ортиқ лойихаси айнан инвестицион маблағлар хисобига молиялаштирилди.

Сув хўжалиги соҳасида инвестицион ложиҳаларни амалга ошириш

**10 йилда: 1,0 млрд.долл. ортиқ маблағ ажратилди. Бу маблағлар
20 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳаларга сарфланди**

**ирригация ва дренаж
тизимларини қайта
тиклаш**



**сув хўжалиги
объектлари ва насос
станцияларини қайта
жихозлаш**

**сув ресурсларини
бошқаришни
автоматлаштириш**

Қашқадарё вилоятида ҳам Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури асосида қурилиш ва реконструкция қилиш бўйича 9 та лойиҳа асосида 160,3 км узунликда 13085,2 млн.сўмлик ишлар амалга оширилди.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича вилоятда коллектор-дренаж тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш - 12 та лойиҳа асосида 461,1 км узунликдаги 6656,6 млн.сўмлик ишлар режалаштирилган бўлиб, 2014 йил охирида 461,1 км узунликда 6656,6 млн.сўмлик ёки йиллик режага нисбатан 100 фоиз ишлар амалга оширилди. Бу ишларга пудратчи ташкилотлар томонидан 38 дона экскаватор ва 11 дона бульдозер жалб қилинди.

2014 йилда Осиё тараққиёт банки ва Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида 2 та лойиҳа бўйича 5 та объектда, шундан:

Осиё тараққиёти банки иштирокида “Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш” лойиҳаси доирасида 2 та йилдан-йилга ўтувчи объектда 91,7 км узунликда 5161,4 млн.сўмлик ишлар амалга оширилди.

Шунингдек, Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш 2-босқич” 3-та лойиҳаси бўйича 2014 йилда 2048,3 млн.сўмлик ишлар амалга оширилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсақ, хорижий молиявий ташкилотлардан давлат воситачилигида ва кафолати асосида олинаётган кредитлар асосан, вилоятда таъминалаб ва катта миқдордаги энергетик ресурслар истеъмол қилаётган маънавий жиҳатдан эскирган йирик насос станцияларини таъмирлаш ҳамда модернизация қилишга, сув етказиб беришда сувнинг сизиб кетишига

олиб келаётган машина-магистрал каналлари тизимини реконструкция қилишга йўналтирилмоқда.